



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

**ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА
БИРЛАШАЙЛИК!**

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ
АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

**БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМАСИ
ҚЎМИТАСИ РАИСЛАРИ УЧУН
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**(Ташкилий устав масалалари бўйича касаба уюшмаси
ташкилотлари қўмита раислари ва ташкилотчиларига
услубий ёрдам)**


Андижон-2026 й.

Мазкур услубий қўлланмада корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятини ташкил этиш, ишини режалаштириш, касаба уюшмаси қўмитаси, умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш, қарор ижросини назорат қилиш, касаба уюшмаси қўмитасида кирим ҳужжатлари, ариза, мурожаат ва шикоятлар, меҳнаткашларни таклиф-мулоҳазалари ва танқидий фикрлар билан ишлаш, доимий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар, касаба уюшмаси қўмитаси учун зарур бўлган ҳужжатлар, ишлар номенклатураси, тақвимий йил учун тузиладиган иш режалари намуналари берилган бўлиб, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раисларига амалий ёрдам беришга мўлжалланган.

Тузувчи: Ҳ.П.Матисаев – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Андижон вилоят Кенгаши аппаратининг
Ташкилий ишлар бўлими мудири

МУНДАРИЖА

1.	Қасаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	4
2.	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом	5
3.	Қасаба уюшмаси ташкилоти фаолияти	17
4.	Бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотларида қасаба уюшма ишларини ташкил этиш юритиш ҳамда расмийлаштириш	17
5.	Қасаба уюшма ишини ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар	18
6.	Бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотининг ишлар номенклатураси	21
7.	Бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотининг паспорти	23
8.	Қасаба уюшмаси ташкилоти ишини режалаштириш	24
9.	Қасаба уюшма аъзоларининг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш	28
10.	___ – умумтаълим мактаби қасаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилишини олиб бориш тахминий тартиби	29
11.	Мажлис баёни	31
12.	Мажлис баёнидан кўчирма	32
13.	Қарор ижросини назорат қилиш	36
14.	Қасаба уюшмаси қўмитасига келган ҳужжатлар билан ишлаш	36
15.	Ариза, мурожаат ва шикоятлар билан ишлаш	37
16.	Меҳнаткашларни таклиф-мулоҳазалари ва танқидий фикрлар билан ишлаш	38
17.	Қасаба уюшмаси ташкилотига ҳузурида тузилган доимий комиссиялар	39
18.	Қасаба уюшма аъзоларига иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимлар бериш бўйича фаоллар ўқуви йиллик режасининг тахминий намунаси	40
19.	Бошланғич қасаба уюшма қўмиталари хонасини жиҳозлашга оид тавсиялар	40



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини куйидагиларга асосан олиб боради:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа Қонунлари.
9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави.
10. Тармоқ касаба уюшмалари Уставлари.
11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Н И З О М

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши Раёсатининг
2013 йил «26» январ даги
9-15-сонли қарорига илова*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий

Н И З О М

- I. Умумий қоидалар
- II. Бошланғич ташкилотни ташкил этиш
- III. Бошланғич ташкилотнинг мақсад ва вазифалари
- IV. Бошланғич ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- V. Бошланғич ташкилот фаолиятининг асосий тамойиллари
- VI. Бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилиши
- VII. Бошланғич ташкилотнинг органлари
- VIII. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (конференцияси)
- IX. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмаси ташкилотчиси
- X. Бошланғич, цех ташкилотининг тафтиш комиссияси
- XI. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси), сайлаб қўйиладиган органлари мажлисларининг ҳуқуқли бўлиши, уларда қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари
- XII. Бошланғич ташкилотнинг маблағлари ва мулки
- XIII. Бошланғич ташкилотда меҳнат муносабатлари
- XIV. Бошланғич ташкилотнинг ҳисоби ва ҳисоботи
- XV. Бошланғич ташкилотнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари
- XVI. Бошланғич ташкилотни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тартиби

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти (кейинги ўринларда «бошланғич ташкилот» деб юритилади) касаба уюшмаси аъзоси бўлган, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

1.2. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Қонунлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари Уставлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ олиб боради.

Бошланғич ташкилот Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави ва Ҳаракат дастурига, тармоқ касаба уюшмалари Уставлари ҳамда мазкур Низомга зид бўлмаган ўз низомлари, дастурий ҳужжатларига эга бўлиши мумкин.

1.3. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятида мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат ижроия органлари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил бўлиб, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар (Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни 21-моддаси 5-қисми, 33-моддаси ва бошқалар) бундан мустасно.

II. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Бошланғич ташкилот юридик шахс бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси аъзолари 3 нафардан кам бўлмаган тақдирда ташкил этилади.

2.2. Бошланғич ташкилотни тузиш ва тармоқ тамойили бўйича касаба уюшмаси хизматига ўтиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан қабул қилинади ҳамда бу ҳақда 10 кун муддатда тегишли юқори касаба уюшмаси органига хабар қилинади.

2.3. Таркибий тузилмасидаги бўлим, бўлинмалари юридик шахс бўлган корхона, ташкилот, муассаса, бирлашмаларда ягона касаба уюшмаси ташкилотини ёки бирлашган касаба уюшмаси қўмитасини тузиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Раёсати томонидан қабул қилинади.

2.4. Корхона, ташкилот, муассаса, бирлашмаларда ягона касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти тузилса, таркибий тузилмалардаги касаба уюшмаси ташкилотлари цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари ҳисобланади.

Корхона, ташкилот, муассаса, бирлашмаларда бирлашган касаба уюшмаси қўмитасини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда уларнинг таркибий бўлинмаларидаги касаба уюшмаси ташкилотлари бошланғич ташкилотлар ҳисобланади.

3 нафаргача ходим ишловчи хўжалик субъектларидаги касаба уюшмаси аъзолари ўз хоҳишларига кўра, соҳага тааллуқли бўлган корхона, ташкилот, муассасалардаги бошланғич ташкилотлардан бирида ҳисобда туришлари, шунингдек,

ўхшаш (ишловчилар сони 3 нафаргача бўлган) бир неча хўжалик субъектларининг ягона бошланғич ташкилотини тузишлари мумкин.

Бундай ҳолда бошланғич ташкилотни тузиш ва касаба уюшма хизматига ўтиш мазкур Низомнинг 2.2.-бандида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

2.5. 1000 нафардан ортиқ касаба уюшмаси аъзосига эга бўлган бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси, шунингдек, ҳудудий жиҳатдан тарқоқ ҳолда ишлайдиган бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасига касаба уюшмаси Марказий кенгаши Раёсатининг қарорига кўра мазкур қўмитанинг раёсатини сайлаш ҳамда унинг ваколатларини белгилаш ҳукуқи берилиши мумкин.

2.6. Касаба уюшмаси ташкилоти бўлмаган корхона, ташкилот, муассасаларда ходимлар ва ўқувчиларни касаба уюшмаси аъзоллигига қабул қилиш соҳа бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмиталари, касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталарнинг раёсатлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур банднинг биринчи қисмида кўрсатилган касаба уюшмалари органлари томонидан касаба уюшмаси аъзоллигига қабул қилинганлар (3 нафардан кам бўлмаган ҳолларда) корхона, ташкилот, муассасада 2.2.-бандда кўрсатилган тартибда бошланғич ташкилотни тузадилар.

2.7. Бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан ҳақ олиб ишлайдиган лавозимлар (қўмита раиси, ҳисобчи ва ҳ.к.) жорий этилиши мумкин. Мазкур лавозимлар бошланғич ташкилотдаги касаба уюшмаси аъзолари сонидан, лавозимдаги ходимларни сақлаб туриш учун харажатлар миқдори амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан ортиб кетмаслигидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари Марказий кенгашлари Раёсатларининг қарори билан жорий этилади.

2.8. Бошланғич ташкилот Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бевосита аъзо бўлиши мумкин эмас.

III. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Қуйидагиларга эришиш бошланғич ташкилотнинг асосий мақсади ҳисобланади:

миллати, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъи назар бошланғич ташкилот ҳар бир аъзосининг меҳнат қилиш, ишни, касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароити яратиб берилиши ва ишсизликдан ҳимоя қилинишга доир конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига;

корхона, идора, ташкилот ва муассасада иш билан таъминланганликнинг энг юқори даражада бўлишига, даромадлар оширилиши ва мулкий табақаланиш даражаси камайтирилишига;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий адолатли тизими жорий этилишига;

жамоа шартномалари тузилиши ва уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

жамоа шартномаларида қабул қилинган ва амалга оширилаётган кафолат ва имтиёзларнинг сақлаб қолиниши ва кенгайтирилишига;

меҳнат қонунчилиги, меҳнатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари, қоида ва меъёрларига риоя этилишига;

ижтимоий мулоқот ҳамда ижтимоий шерикчилик йўлга қўйилишига, жамоа музокараларини ташкил этилишига;

ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига биноан ходимлар малакасининг оширилиши ҳамда касб жиҳатидан қайта тайёрлашнинг тизимли ва мунтазам равишда олиб борилишига;

ходимларни, айниқса, ёшларни меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишда иш берувчилар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилинишига;

маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг ўтказилишига, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун шароитлар яратиб берилишига, касаба уюшмаси аъзолари ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилишига.

3.2. Бошланғич ташкилот ўз мақсадларига эришиш учун ўзининг сайлаб қўйиладиган ва коллегиял органлари орқали:

ходимларнинг ишлаб чиқариш, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш, маиший турмуш, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш соҳаларидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади;

меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бошқа меҳнат ҳуқуқи нормалари мавжуд бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

меҳнат жамоалари номидан иш берувчилар билан жамоа шартномаларини тузади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

корхона (ташкилот, муассаса)ни ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли режалар ишлаб чиқилишида, яқка тартибдаги ва жамоага доир меҳнат низоларининг ҳал этилишида иштирок этади;

амалдаги қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, унинг ихтиёрида қолдирилган маблағлар доирасида, касаба уюшмаси бюджети ва уни сарфлаш сметасини тасдиқлайди ҳамда мазкур маблағларни белгиланган мақсадларга сарфлайди;

касаба уюшмаси йиғилишлари, конференциялари, курултойлари, юқори касаба уюшмаси органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва оммавий спорт ишларини ташкил қилади;

касаба уюшмаси аъзоси бўлмаган ходимлар, ўқувчи-талабаларни касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

IV. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Бошланғич ташкилот (унинг сайлаб қўйиладиган органлари) ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Федерация ва тармоқ касаба уюшмасининг Уставлари, мазкур Низом тамойилларига зид бўлмаган меъёрий ва бошқа локал ҳужжатларни қабул қилиш;

белгиланган тартиб ва меъёрга мувофиқ ўз вакилларини юқори касаба уюшмалари органлари таркибига сайлаш, уларни чақиртириб олиш ва алмаштириш;

касаба уюшмалари фаолиятининг барча масалалари бўйича сайлаб қўйиладиган юқори касаба уюшмалари органларига мурожаат этиш, ахборот олиш, зарурат туғилганда, қўйилган масалалар ҳал этилишида қўллаб-қувватланиш;

юқори ташкилотлар курултойлари, конференциялари ва сайлаб қўйиладиган органлари томонидан кўриб чиқилиши учун ҳужжатлар лойиҳаларини киритиш;

ўз вакиллари орқали юқори касаба уюшмалари ташкилотларининг коллегиял органлари ишида иштирок этиш;

юқори касаба уюшмалари органлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар, ўқув семинарларига ўз вакилларини йўллаш;

касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини Федерация нишонлари ва Фахрий ёрликлари билан тақдирлаш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар, шунингдек, уларни Давлат мукофотларига тақдим этиш, фахрий унвонлар бериш масалаларида қўллаб-қувватлашни сўраб юқори касаба уюшмаси органларига тақдимномалар киритиш;

ҳар қандай аралашувларсиз ўз ишини мустақил равишда режалаштириш ва ташкил этиш;

меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

ходимларнинг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан уларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш;

ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоялаш;

ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган ходимларга белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатиш;

касаба уюшмаси фаолиятини тарғиб этиш ҳамда ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан ҳамда ахборот коммуникация технологияларида имкониятларидан кенг фойдаланиш.

4.2. Бошланғич ташкилот (унинг сайлаб қўйиладиган органлари) ўз фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Федерация ва тармоқ касаба уюшмаси Уставлари ҳамда мазкур Низом қоидаларига риоя этиш ва уларни бажариш;

юқори касаба уюшмалари органларининг ўз ваколатлари доирасида ҳамда Уставларга мувофиқ қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш;

касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан чегирмаларни Федерация Кенгаши томонидан белгиланган миқдорда, муддатда ва тартибда тегишли юқори касаба уюшмаси органига ўз вақтида ўтказиб бориш;

юқори ташкилотларнинг коллегиял органлари томонидан белгиланган тартибда ва ҳажмда ахборотлар, маълумотлар, статистик, молиявий ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

Федерация ва унга кирувчи аъзо ташкилотлар манфаатларини камситувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

V. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5.1. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида олиб боради:

бошланғич ташкилот раҳбар органларининг сайлаб қўйилиши;

бошланғич ташкилот сайлаб қўйиладиган органларининг ўз ташкилоти ва юқори касаба уюшмаси органлари олдида уларга берилган ваколатлар доирасида ҳисобот бериши;

бошланғич ташкилот ва унинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида коллегияллик, ошкоралик;

касаба уюшмалари аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги;

қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги ва қабул қилинганидан кейин сўзсиз бажарилишининг таъминланиши.

VI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

6.1. Бошланғич ташкилот қуйидаги ташкилий тузилмага эга бўлиши мумкин: касаба уюшмаси қўмитаси (йирик бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси раёсати);

цех касаба уюшмаси ташкилотлари;

касаба уюшмаси гуруҳлари;

ўз мустақил бюджетига эга бўлган бошланғич, цех ташкилотларида тафтиш комиссиялари.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига мувофиқ корхона, ташкилот, муассасаларнинг тузилмавий бўлинмаларида цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари ташкил этилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолари сони 30 нафаргача бўлган тузилмавий бўлинмаларда касаба уюшмаси гуруҳлари, 30 нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда - цех ташкилотлари ташкил этилади.

Йирик цех ташкилотларида бригадалар, участкалар, сменалар бўйича ҳам касаба уюшмаси гуруҳлари ташкил этилиши мумкин.

VII. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар бошланғич ташкилотнинг органлари ҳисобланади:

умумий йиғилиш (конференция);

касаба уюшмаси қўмитаси, йирик бошланғич ташкилотларда-касаба уюшмаси қўмитаси раёсати;

тафтиш комиссияси.

VIII. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ (КОНФЕРЕНЦИЯСИ)

8.1. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (конференцияси) бошланғич ташкилотнинг олий органи ҳисобланади.

8.2. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (конференцияси) заруриятга қараб, аммо йилига камида бир марта ўтказилади.

8.3. Худудий жиҳатдан тарқоқ ҳолда бўлганлиги ёки бошланғич ташкилотда аъзолар кўпсонлилиги туфайли умумий йиғилишни ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда бошланғич ташкилотнинг конференцияси ўтказилади.

Конференцияга вакиллик меъёри ҳамда делегатлар сайлаш тартибини касаба уюшмаси қўмитаси ўз қарори билан белгилайди.

Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси)ни чақириш, вакиллик нормаси ва кун тартиби тўғрисидаги қарор камида 3 кун олдин эълон қилинади.

8.4. Бошланғич ташкилотнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (конференцияси) касаба уюшмаси қўмитаси қарори билан ўз ташаббусига биноан, бошланғич ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига кўра ёки юқори турувчи касаба уюшмаси органининг қарорига мувофиқ чақирилади.

8.5. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси)нинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг (ташкилотчисининг), тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;

фаолиятига доир низомлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасини (ташкилотчисини), тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, уларнинг таркибидан раҳбарлар (раис, раис ўринбосари)ни сайлаш;

юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига вакиллар сайлаш, юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг конференциялари (курултойлари)га делегатлар сайлаш;

Уставларга мувофиқ бошланғич ташкилотларга берилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

IX. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ, КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЧИСИ

9.1. Жорий ишларни олиб бориш учун касаба уюшмаси умумий йиғилиши (конференция)да қуйидагилар 5 йил муддатга сайланади:

касаба уюшмаси гуруҳларида – касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси;

30 нафаргача касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотда – касаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва ғазначи;

30 ва ундан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич, цех касаба уюшмаси ташкилотларида – касаба уюшмаси қўмитаси, цех қўмитаси ва тафтиш комиссияси (мустақил бюджетга эга бўлган бошланғич, цех касаба уюшмалари ташкилотларида).

Касаба уюшмаси қўмитаси (раёсат сайланмаган ҳолларда), цех қўмиталари мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта, раёсат сайланган касаба уюшмаси қўмитаси мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг йиғилишлари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Касаба уюшмаси гуруҳлари, цех ташкилотларининг умумий йиғилишлари (конференциялари) заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

9.2. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси:

юқори касаба уюшмалари органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди;

бошланғич ташкилот аъзоларининг қонуний талабларини ифодалайди ва ҳимоя қилади;

корхона, ташкилот, муассасани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, чора-тадбирларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишларда иштирок этади;

иш берувчи билан меҳнат жамоаси номидан умумий йиғилиш (конференция)да маъқулланган жамоа шартномасини тузади;

иш берувчи томонидан қабул қилинадиган меҳнатга оид локал ҳужжатларни келишиб беради;

жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномаси ва унинг иловаларини сайлаб қўйиладиган органи (касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмаси ташкилотчиси) тимсолида ходимлар номидан имзолайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иш берувчи томонидан маълум хатти-ҳаракатлар амалга оширилишидан олдин маслаҳатлашувлар

ўтказилишини талаб қилади ва ўрнатилган тартибда амалга оширилишига розилик бериш ёки бермаслик масалаларини кўриб чиқади;

меҳнат низолари (можаролари)ни ҳал этишда иштирок этади;

Жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал қилади;

бошланғич ташкилот фаолиятига раҳбарлик қилади;

иш берувчи билан ҳамкорликда санатория-профилактория ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар учун смета тайёрлайди ва тасдиқлаш учун юқори касаба уюшмаси органига тақдим этади;

иш берувчиларнинг амалдаги қонунчиликка зид тарзда қабул қилган бошқарувга тааллуқли қарорларининг белгиланган тартибда бекор қилинишига эришади;

амалдаги қонунчиликка биноан, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ва саломатлик муҳофазаси масалалари бўйича меъерий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларга риоя этилишини назорат қилади;

бошланғич ташкилот фаолларини ўқитишни ташкил этади, ўзаро ижобий тажриба алмаштириш чораларини кўради;

зарур ҳолларда, кўмита раисини сайлайди ва ўз вазифасидан озод этади, юқори касаба уюшмаси органлари таркибига ўз вакилларини сайлайди ва чақиртириб олади;

бошланғич ташкилот бюджетини бошқаради, касаба уюшмаси юқори органи тавсиялари асосида касаба уюшмаси кўмитасининг сарф-харажатлар сметасини тасдиқлайди, унинг бажарилишини назорат қилади, маблағдан чегирмаларнинг юқори касаба уюшмаси органларига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлайди;

касаба уюшмаси цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

9.3. Бошланғич ташкилот кўмитаси ваколатлари 30 нафаргача касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотда умумий йиғилишга берилади.

Раёсат сайланган касаба уюшмаси кўмитаси ўзининг айрим ваколатларини Раёсатга бериши мумкин.

9.4. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси:

ўз ваколати муддати давомида бошланғич ташкилот ишига раҳбарлик қилади, кўмита раёсати сайланмаган бўлса кўмита мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади;

Бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раёсати сайланган бўлса кўмита йиғилишини чақириб ваколати раёсатга берилади.

Бир вақтнинг ўзида касаба уюшмаси кўмитаси раёсатига раислик қилади.

бошланғич ташкилот номидан давлат хўжалик бошқаруви органларида, жамоат ташкилотларида вакиллик қилади;

касаба уюшмаси кўмитаси қарорларини имзолайди;

касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан олинадиган йўлланмаларни тақсимлайди, санаторий, дам олиш уйлари ва санаторий-профилакторийларда дам олиш мақсадида мурожаат қилган ходимларнинг навбатини тузади, улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади, ижтимоий суғурта бўйича юқори касаба уюшмаси органига ҳисобот тақдим этади, йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши бўйича жавобгар ҳисобланади;

касаба уюшмаси кўмитасида иш юритишни ташкил қилади, ҳужжатларнинг белгиланган тартибда олиб борилиши учун масъул ҳисобланади.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси умумий йиғилишлар оралиғида кўмигага ҳисобот бериб туради.

9.5. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси ташкилотчиси касаба уюшмаси кўмитасига берилган ваколатлар доирасида ишлаб чиқариш, меҳнат, маиший, дам олиш ва бошқа масалаларда касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

У касаба уюшмаси аъзолари билан якка тартибда иш олиб боради, уларнинг ҳар бирини жамоат ишларида фаол иштирок этишга жалб этади, ходимларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш ва дам олишларини ташкил этиш борасида ғамхўрлик қилади.

9.6. Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси ташкилотчиси касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан санаторий, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторий ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар учун талабнома тузади, уларни тасдиқлаш учун юқори касаба уюшмаси органига тақдим этади, иш берувчи билан биргаликда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ишларини ташкил этади.

Шунингдек, ижтимоий суғурта бўйича комиссия тузади, унинг ишига раҳбарлик қилади, йўлланмаларни ҳисобга олиш ва уларнинг берилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни юритади ҳамда ушбу ҳисоботларни юқори касаба уюшмаси органига тақдим этади.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси ташкилотчиси йўлланмаларни беришда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиниши, шунингдек, ижтимоий суғурта маблағлари ва йўлланмалардан мақсадли фойдаланилиши учун жавобгар ҳисобланади.

9.7. Касаба уюшмаси ташкилотчиси ва касаба уюшмаси органининг муддатдан илгари сайлови бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига ёки юқори касаба уюшмаси органининг қарорига биноан, шунингдек, касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси, касаба уюшмаси ташкилотчиси, бошланғич (цех) ташкилоти сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органининг ўз ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

9.8. Корхона, ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси илгари фаолият кўрсатган кўмитанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишда давом этади.

9.9. Касаба уюшмаси кўмитаси цех кўмиталари ва касаба уюшмаси гуруҳларига касаба уюшмаси кўмитасининг ваколатига кирадиган айрим ҳуқуқларни бериши, ўз комиссияларини ташкил қилиши ва уларнинг ваколатларини белгилаб бериши мумкин.

Х. БОШЛАНҒИЧ, ЦЕХ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Ўз мустақил бюджетига эга бўлган бошланғич, цех ташкилотида тафтиш комиссияси сайланади.

10.2. Тафтиш комиссияси мустақил орган бўлиб, бошланғич, цех ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси)да 5 йил муддатга раис ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда сайланади ва уларга ҳисобот бериб боради.

10.3. Тафтиш комиссияси Федерация ва тармоқ касаба уюшмалари Уставларига риоя қилинишини, бюджет ижросини, молия-хўжалик фаолиятини текширади ва амалий ёрдам кўрсатади.

10.4. Тафтиш комиссияси Федерация ва тармоқ касаба уюшмалари Уставлари ҳамда «Тафтиш комиссиялари тўғрисида Низом» доирасида фаолият олиб боради.

XI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ (КОНФЕРЕНЦИЯСИ), САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАРИ МАЖЛИСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛИ БЎЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ШАКЛЛАРИ

11.1. Бошланғич ташкилотнинг конференцияси унда делегатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳуқуқли ҳисобланади.

Конференцияга сайланган делегатларнинг ваколатлари конференцияни чақираётган бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси (кўмита раёсатини сайлаш ҳуқуқи берилган бошланғич ташкилотларда эса кўмита раёсати) томонидан тасдиқланади.

11.2. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишлари, сайлаб қўйиладиган органлар мажлислари уларнинг ишида мазкур ташкилотдаги касаба уюшмаси аъзоларининг, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ҳуқуқли ҳисобланади.

11.3. Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси), сайлаб қўйиладиган органларининг қарорлари уларда қатнашаётган делегатлар, сайлаб қўйиладиган орган аъзолари ёки йиғилиш иштирокчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинган ҳисобланади.

11.4. Овоз бериш усули (очиқ ёки ёпиқ) тегишли конференциялар делегатлари, йиғилишлар иштирокчилари, сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари томонидан белгиланади.

11.5. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши, конференцияси, сайлаб қўйиладиган органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва натижалари бўйича баёнлар расмийлаштирилади.

XII. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

12.1. Бошланғич ташкилотнинг маблағлари ўз аъзоларининг кириш ва ҳар ойлик аъзолик бадалларидан, иш берувчиларнинг кўнгилли ўтказмалари, шунингдек, қонунда рухсат этилган бошқа фаолиятдан тушган тушумлардан шакллантирилади.

12.2. Аъзолик бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, тегишли касаба уюшмалари Уставлари билан белгиланади.

12.3. Касаба уюшмалари аъзолари томонидан тўланган аъзолик бадаллари қайтарилмайди, бошланғич ташкилот олган даромад аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

12.4. Бошланғич ташкилот ихтиёрида қолдирилган маблағлари ҳисобидан амалдаги қонун ҳужжатлари, Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қўшимча янги иш ўринлари яратиши, суғурта ташкилотлари ва

банклар билан ҳамкорликда компаниялар, кичик корхоналар, акциядорлик жамиятлари тузиб қўшимча даромадлар олиши мумкин.

12.5. Бошланғич ташкилот мазкур маблағлардан амалдаги қонунлар доирасида ўз фаолиятини таъминлаш учун фойдаланади ва уларни тасдиқланган сарф-харажатлар сметаларига биноан, амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари Уставларида кўзда тутилган мақсадларга сарфлайди.

12.6. Бошланғич ташкилот амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда банкдаги пул маблағларини депозитга қўйиш ҳуқуқига эга.

12.7. Бошланғич ташкилот ўзига тегишли мулк ва маблағларга мулкдор ҳуқуқида эгалик қилади ва улардан фойдаланади.

12.8. Имзоланаётган жамоа шартномалари орқали, касаба уюшмаси аъзолик бадалларидан ташқари, иш берувчилар томонидан бошланғич ташкилот ҳисоб рақамига ўтказилган маблағлар, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида олинган қўшимча даромадлар, депозитдан тушган маблағлар мазкур жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва мақсадларга сарфланади ҳамда бу ҳақда касаба уюшмаси қўмитаси, ташкилотчиси меҳнат жамоаси олдида ҳисобот беради.

12.9. Бошланғич ташкилотда молиявий фаолият, солиққа оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида тегишли сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи қарорига мувофиқ аудиторлик текширувлари ўтказилиши мумкин.

12.10. Касаба уюшмаси аъзолари сони 30 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотнинг сарф-харажатлар сметаси умумий йиғилиш томонидан, 30 нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда эса касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланади.

XIII. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

13.1. Бошланғич ташкилотда сайланма лавозимга сайланган ва асосий ишидан озод этилган ходим билан 5 йилга муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Меҳнат шартномаси умумий йиғилиш (конференция) номидан умумий йиғилиш (конференция) ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Мазкур бошланғич ташкилотнинг аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари улар билан тузилган меҳнат шартномалари (умумий тартибда номуайян муддатга), меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

13.2. Штатдаги ходимларнинг шахсий варақалари ва меҳнат дафтарчалари меҳнат шартномаси (контракт) тузилган бошланғич ташкилотда сақланади. Мазкур бошланғич ташкилот меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш (сайланиши), бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни киритади.

XIV. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

14.1. Бошланғич ташкилот ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда ўз ҳисоботларини юқори турувчи касаба уюшмаси органи, рўйхатдан ўтказган орган, статистика ва солиқ идораларига тақдим этади.

XV. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

15.1. Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, бланклари, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

XVI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИ ТУГАТИШ ЁКИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Бошланғич ташкилотни тугатиш ёки қайта ташкил этиш бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига асосан амалга оширилади.

16.2. Бошланғич ташкилотни тугатиш ёки уни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор кворум мавжуд бўлган ҳолда конференция барча делегатлари ёки умумий йиғилишда иштирок этаётганларнинг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади.

16.3. Бошланғич ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда белгиланган тартибда барча ҳисоб-китоблар қилинади, кредит, қарз ва улар бўйича фоизлар қайтарилади, бошқа мажбурий тўловлар тўланади.

Мазкур ишлар яқунланганидан кейин қолган мулк бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси) қарори билан Устав мақсадларини амалга ошириш ишларига йўналтирилади.

16.4. Бошланғич ташкилот қайта ташкил этилганда умумий йиғилиш (конференция) унинг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

16.5. Бошланғич ташкилотни бир касаба уюшмаси хизматидан бошқа касаба уюшмаси хизматига ўтиши тегишли Марказий кенгашлар (амалда касаба уюшмаси хизматида бўлган ва касаба уюшмаси хизматига ўтилмоқчи бўлган касаба уюшмалари Марказий кенгашлари) Раёсатларининг қўшма қарори асосида амалга оширилади.

16.6. Бошланғич ташкилотни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд қарорига асосан амалга оширилиши ҳам мумкин.

КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ

Жамиятни демократлаштириш ва иқтисодийни модернизациялаш жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг жамият бошқаруви соҳасида фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга моликдир. Иқтисодий соҳада рўй бераётган жараёнлар, бозор муносабатларининг жорий этилганлиги, мулкчилик турли шакллариининг тан олинганлиги, иқтисодий, меҳнат, ижтимоий кафолатлар соҳасида таркиб топган тизимни тубдан ўзгартирмоқда, касаба уюшма ташкилотларидан ўз вазифаларини амалга оширишга сифат жиҳатдан янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Бундай шароитда касаба уюшма ташкилотлари ўз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларни иш билан тўла таъминлашни, иш ҳақи тўланишини, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашни меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашни ўз фаолиятининг асосий мазмуни деб билмоқлари зарур.

БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА КАСАБА УЮШМА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ЮРИТИШ ҲАМДА РАСМИЙЛАШТИРИШ

Касаба уюшма аъзоларининг касб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа ва яқка меҳнат низоларини бартараф этишда иштирок этиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, иш жойида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касаба уюшма аъзолари ва уларнинг фарзандларини соғломлатириш, оилавий аҳволи ночор ва кам таъминланган ходимларга ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам уюштириш, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини ифода этувчи ташкилот, муассаса фаолияти ҳақидаги маълумотларни таҳлил этади ва шу асосга мувофиқ қарорлар қабул қилиш касаба уюшма ташкилотларининг асосий йуналишлари ҳисобланади.

Касаба уюшма ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилот, муассаса маъмуриятлари билан жамоа шартномалари ва келишувлари тузадилар ҳамда бу ҳужжатлар бажарилишини назорат қилиб борадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларига риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилиш касаба уюшма ташкилотлари зиммасига юклатилган.

Касаба уюшмасининг ўз олдига қўйган асосий вазифаларини амалга оширишда касаба уюшма ишини ташкил қилиш, иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ҳукумат қарорларини турмушга татбиқ этиш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз

фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларимизга эришишнинг муҳим ва зарур шартларидан бири-таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилишдан иборат. Жамиятимизда инсон кадр-қиммати энг олий қадрият эканлиги ва шахсий дахлсизлиги қонун йўли билан муҳофаза қилиниши Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Конституция-жамият ҳаётининг пойдевори. Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг асоси, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли келажаги буюк давлат қураётганимизнинг кафолатидир.

Касаба уюшмасининг қуйи бўғини иш фаолиятини яхшиламасдан туриб, юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Хўш, бу масала юзасидан қандай вазифаларни амалга оширмақ лозим?

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари қонунга мувофиқ юридик шахс бўлган ташкилотларда касаба уюшмаси аъзолари 3 (5) нафардан кам бўлмаган тақдирда ташкил этилади. Бошланғич ташкилотни тузиш ва касаба уюшмаси тизимига кириш тўғрисидаги қарор касаба уюшма аъзоларининг таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан қабул қилинади ва касаба уюшмаси ташкилоти тузилгандан сўнг ўн кунлик муддат ичида юқори касаба уюшма органига хабар қилинади.

Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) бошланғич ташкилотнинг олий органи ҳисобланади. Бошланғич, цех касаба уюшма ташкилотларида умумий йиғилиш заруратга қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

Бозор иқтисодиёти даврида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат қонунларига оид муносабатларни тўғри йўлга қўйишда жамоа шартномаси муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат ташкилот, муассаса маъмурияти билан касаба уюшмаси ташкилоти ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида тенг шерикчилик тамойиллари асосида тузилади. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси ташкилотлари жамоа шартномасига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Жамоа шартномаси ва келишувларини тузиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг IV бобида батафсил ёритиб берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш бўйича тавсиялар берилган.

Касаба уюшмаси ташкилотлари учун маъмурият томонидан алоҳида хона, зарур жиҳозлар ва ашёлар, имконият даражасида алоқа воситалари ажратилиши лозим (касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунга асосан), касаба уюшмаси ташкилотининг юқорида кўрсатилган ҳужжатлари саводли, батартиб юртилиши ва ҳужжатлар шкафта ёки кулфланадиган галадонларда сакланиши керак.

КАСАБА УЮШМАСИ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ишни ташкил этиш, зарур ҳужжатларни юритиш ва уларни тўғри расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Касаба уюшмаси ишини ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлиши тавсия этилади:

1. Касаба уюшмаси аъзолари тўғрисида умумий маълумот жилди;
2. Йиллик, ярим йиллик, чораклик ва ойлик иш режалари ва тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар жилди;
3. Умумий ва қўмита йиғилишлари баённомалари ва қарорлари жилди;
4. Жамоа шартномасининг ижтимоий шерикчилик асосида тузилганлиги ва унинг бажарилиши юзасидан ҳужжатлар жилди;
5. Молиявий ҳужжатлар жилди;
6. Ташкилотдан жўнатилган ҳужжатларни қайд этиш дафтари ва уларнинг нусхасини сақлаш жилди;
7. Ходимлардан тушган ариза ва шикоятларни қайд этиш дафтари, ариза ва уларга берилган жавоблар нусхасини сақлаш жилди;
8. Касаба уюшмаси ташкилоти ҳузурида тузилган доимий комиссияларнинг йиллик режалари, бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар жилди;
9. Давлат дастурини бажариш юзасидан тадбирлар ва маълумотномалар жилди;
10. Маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларга доир тадбирлар ҳужжатлари;
11. Соғломлаштириш ишлари (санаторийларга, профилакторийларга, дам олиш оромгоҳларига берилган йўлланмалар) тўғрисидаги маълумотлар жилди;
12. Кам таъминланган, кўп болали, уруш қатнашчилари, ногиронлар, нафақахўрлар тўғрисида, уларга маъмурият, касаба уюшмаси томонидан берилган аниқ йўналтирилгаи ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар жилди;
13. Меҳнат низолари комиссияси тузилганлиги, уларнинг иш олиб бориш тартиби қандай тузилганлиги, меҳнат муносабатлари бўйича қанча низо чиққанлиги, ариза ва шикоятлар сони бўйича маълумотлар дафтари;
14. Касаба уюшмаси аъзоларига иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимлар беришнинг аҳволи тўғрисида фаоллар ўқуви бўйича йиллик режа, ўқув семинарлар бўйича маълумотлар;
15. Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси, унинг йиллик иш режаси, тартиби, бажараётган иши, ташкилотда меҳнат муҳофазаси вакиллари сайланганлиги, улар нечта ва қандай фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар жилди;
16. ЎКУФК Раёсатининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг намунавий тартиби”га биноан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар жилди;
17. Йиллик статистик ҳисоботлар жилди;

18. Ҳисобот-сайловлар ҳужжатлари ва маълумотлар жилди;
19. Касаба уюшмаси ташкилотига келган ҳужжатларни кайд этиш дафтари;
20. Ҳужжатлар рўйхати (номенклатура);

Касаба уюшмаси кўмитасининг йиллик иш режалари, тадбирлари, кўмита йиғилишида тасдиқланиб, унда умумий йиғилишда кўриладиган масалалар, кўмита йиғилишида кўриладиган масалалар, уюштирилган умумий тадбирлар аниқ ифода этилиши лозим.

Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилишлари (конференцияси), кўмита йиғилишлари баённомаларини рақамлаш ҳисобот-сайловдан ҳисобот-сайловгача бўлган давр учун узлуксиз тартиб билан рақамланади.

Касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишларининг баёнларига йиғилишларда қилинган маърузалар, музокара матнлари, қабул қилинган қарорлар, қатнашчилар ва таклиф этилганлар рўйхатлари, йиғилишни олиб бориш тартиби, билдирилган танқидий фикр ва таклифлар рўйхати илова қилинади. Йиғилиш баёни қарорлари, раис ва котиб томонидан имзоланган бўлиши керак.

Касаба уюшмаси кўмитаси йиғилишлари баёнлари, қабул қилинган барча қарорлар ва уларнинг иловалари, кўмита раиси имзоси билан акс эттирилиши лозим.

Касаба уюшмаси кўмитасининг назоратдаги қарорлари жумласига ҳисобот-сайлов йиғилишини биринчи сонли қарори, унда билдирилган танқидий фикр ва таклифларни бажариш юзасидан белгиланган тадбирларни тасдиқлаш ҳақидаги кўмита қарори, юқори касаба уюшмаси ташкилотларни қурултой ва конференциялари қарорлари ва бошқалар киради.

Ҳисобот-сайловлар ҳужжатлари ва маълумотлар жилдида охириги ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши, конференцияси баёни, унга кўмита ва тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузалари юзасидан, кўмита аъзолари ва кўмита раисини, тафтиш комиссия аъзоларини (агар касаба уюшмаси ташкилоти ҳисоб рақамига эга бўлса), шаҳар, туман, вилоят касаба ташкилоти конференциясига делегатлар сайлаш ҳақидаги қарорлари, музокараларда қатнашганларнинг маъруза матнлари, йиғилишни олиб бориш тартиби, қатнашган уюшма аъзолари (делегатлар), таклиф этилганларни рўйхати илова қилиниши керак.

Шунингдек, касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот маърузани тасдиқлаш ҳақидаги қарори, қўйи ташкилотлардан конференцияга сайланган делегатларни ваколатини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлар тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида ва янги сайланган тафтиш комиссия раисини сайлаш ҳақидаги комиссия қарорлари ҳам бўлиши керак (Конференция ўтган ҳамда тафтиш комиссия сайланган ташкилотларда)

Жамоа шартномасига оид ҳужжатлар жилдида эса касаба уюшмаси кўмитасининг маъмурият билан биргаликда қабул қилинган жамоа шартномаси матни, уни қабул қилингани ҳақида йиғилиш қарори, бажарилишини кўриб чиқилган йиғилишлар қарорлари, далолатномалар, ЖШ-1 шаклидаги ҳисоботлари, киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар билан биргаликда бўлиши зарур.

Касаба уюшмаси кўмитасининг атамали йиллар юзасидан белгиланган тадбирлари кўмита йиғилишида тасдиқланиб, унинг бажарилиши ҳақида ҳар чоракда касаба уюшмаси кўмитасида ҳисоботлар тингланиб, қарорлар қабул қилиниши лозим.

Касаба уюшмаси кўмитасининг уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятига оид ҳужжатларда кам таъминланган ходимлар, ногиронлар, ёш боласи бор аёллар рўйхатлари, уларга кўрсатилган ёрдамлар ҳақида маълумотлар, иш ҳақи тўланиши мониторинги ва бошқаларда акс эттирилади.

Касаба уюшмаси кўмитасининг маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт бўйича фаолияти ҳужжатларида ўтказилган турли кўрик-танлов, учрашув, давра суҳбатлари, байрам тадбирлари ҳақида маълумотлар ва бошқалар жамланади.

Касаба уюшмаси кўмитасининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашдаги ҳужжатларида комиссия ва вакиллар рўйхатлари, уларни иш режалари, маълумотномалар сақланади.

Касаба уюшмаси кўмитасини меҳнат қонунчилигини таъминлашдаги ҳужжатларида меҳнат қонунчилиги юзасидан уюштирилган тадбирлар, маълумотномалар, ҳуқуқий маслаҳатлар, ўтказилган ўқув-семинарлар ҳужжатлари жамланади.

Касаба уюшмаси ташкилотда юритилган ҳужжатлар жилдлари касаба уюшмаси кўмитаси томонидан тасдиқланган “Ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатураси”да кўрсатилган тартибда рақамланади. Ижро муддати тугаган ўтган йилги ҳужжатлар йиғма жилдларидан олиниб, «202__ йил ҳужжатлари» деган алоҳида йиғма жилдга солиб қўйилади.

Касаба уюшмаси ташкилотига келган ва жўнатиладиган ҳужжатлар, ходимлардан тушган ариза ва шикоят хатлар, йўлланма олиш учун навбатда турганларни қайд этиш дафтарларининг ҳар бир варағи рақамланиб, ип ўтказилиб, елимланиб юқори ташкилот томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Бу дафтарларда қайд этилган ҳужжатлар ҳар йили тақвим йили бошланиши билан янгидан тартиб билан рақамланади. Худди шунингдек, қайд рақами ҳужжатда ҳам ўз аксинн топиши керак.

НАМУНА

БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИНИНГ ЙИҒМА ЖИЛДЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИ

№	Ишлар кўрсаткичи	Ишлар ва ҳужжатлар номи	Сақлаш муддати	Эслатма
1.	01.	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси қарорлари ва фармойишлари. Нусхалари	Керак бўлгунча 1-, 2-моддалар	

2.	02.	Ҳисобот-сайлов йиғилишининг жамланма ҳужжатлари ва баёни	Доимий	
3.	03.	Бошланғич ташкилотнинг йиллик, ярим йиллик, чораклик ва ойлик иш режалари	Доимий	Асл нусхаси йиғилиш баёнига тикилади
4.	04.	Касаба уюшмаси кўмитаси йиғилишларининг баёнлари ва ҳужжатлари	Доимий 36а	
5.	05.	Касаба уюшмаси ташкилотининг ўтказилган умумий йиғилиш баёнлари	Доимий 34а	
6.	06.	Жамоа шартномаси	Доимий 304а	
7.	07.	Жамоа шартномасининг ижтимоий шерикчилик асосида тузилганлиги ва унинг бажарилиши бўйича ҳужжатлар	Керак бўлгунича 36а	
8.	08.	Касаба уюшмаси ташкилотига юқори ва бошқа ташкилотлардан келган хат ва ҳужжатлар. Уларни қайд этиш дафтари	Керак бўлгунича 36а	
9.	09.	Ташкилотдан жўнатилган ҳужжатлар. Уларни қайд этиш дафтари	Керак бўлгунича 3 йил	
10.	10.	Ходимлардан тушган ариза ва шикоятлар, уларни кўриб чиқиш бўйича ҳужжатлар. Ходимлардан тушган ариза ва шикоятларни қайд этиш журнали	3 йил 44 модда	
11.	11.	Ташкилотга келган ҳужжатларни бажарилиши ва назорат қилиш бўйича маълумотлар	Керак бўлгунича	
12.	12.	Касаба уюшмаси ташкилотида тузилган доимий комиссиялар ва уларнинг ҳужжатлари	3 йил	
13.	13.	Давлат дастурини бажариш юзасидан тадбирлар ва маълумотномалар	Керак бўлгунича	
14.	14.	Маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларига доир тадбирлар тўғрисида ҳужжатлар	Керак бўлгунича	
15.	15.	Соғломлаштириш ишлари (санаторийларга, профилакторийларга, дам олиш оромгоҳларига берилган йўлланмалар) тўғрисидаги маълумотлар		
16.	16.	ЎКУФК Раёсатининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг намунавий тартиби”га биноан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар		
17.	17.	Меҳнат низолари комиссияси ҳужжатлари		
18.	18.	Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигига оид маълумотлар ва ҳужжатлар	3 йил	
19.	19.	Бахтсиз ходисаларни ўрганиш бўйича ҳужжатлар		
20.	20.	Касаба уюшмаси фаоллари учун ўтказилган ўқув-семинарларига оид ҳужжатлар.	Доимий	
21.	21.	Касаба уюшмаси аъзолари ҳақида умумий маълумот. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, нафақадаги ходимлар тўғрисида уларга маъмурият, касаба уюшмаси томонидан берилган аниқ йўналтирилган	КВУ	

		ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар		
22.	22.	Йиллик статистик ҳисоботлар. Форма 1-ТИнинг ҳужжатлари	Доимий 199а 204а	
23.	23.	Касаба уюшмаси аъзоларининг билетлари, ҳисобга олиш варақалари, аъзоларни ҳисобга олиш дафтари	Доимий	
24.	24.	Касаба уюшмаси ташкилотининг паспорти, ҳужжатлар рўйхати (йиғма жилдлар номенклатураси), Иш регламенти ва бошқа меъёрий ҳужжатлари		

НАМУНА

БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИНИНГ ПАСПОРТИ

№	Маълумот мазмуни	ЖАМИ				
		01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2025	01.01.2026
1	Ҳисобда турган касаба уюшмаси аъзолари сони					
	Шундан:					
	аёллар					
	30 ёшгача бўлган ёшлар					
	Олий маълумотлилар					
	Раҳбар ходимлар					
	Хизматчилар					
	Ишчилар					
2	Ишлаётган пенсионерлар					
3	Ишлаётган ногиронлар					
4	Кам таъминланган оилалар					
5	4 ва ундан ортиқ фарзанди бор аёллар					
6	Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар					
7	Ёлғиз оналар					
8	Икки ва ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган фарзанд тарбиялаётган аёллар					
9	16 ёшгача ногирон фарзанд тарбиялаётган аёллар					
10	Жамоа шартномаси бўйича ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори					
11	Меҳнат муҳофазаси юзасидан Битим бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори					
12	Касаба уюшмаси аъзолигига янги қабул қилинган ходимлар сони					
13	Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилганлар сони					
14	Янги нусхадаги аъзолик билети билан таъминланган аъзолар сони					

КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Касаба уюшмаси ташкилотининг фаолияти ишни режалаштиришдан бошланади. Ҳар томонлама ўйлаб, имкониятларни ҳисобга олиб тузилган иш режаси - белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажариш имконини беради. Муҳокамага қўйиладиган масалаларни пухта тайёрлаш учун фаоллар ва мутахассисларни кўпроқ жалб қилиш тавсия этилади.

Иш режалар йиллик ёки ярим йилга мўлжаллаб тузилади. Бу режалардан келиб чиққан ҳолда заруриятга қараб чораклик, ойлик, хафталик, кунлик режаларни ҳам тузиш мумкин.

Иш режаси бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тузилиб, умумий йиғилишда ёки қўмита йиғилишида тасдиқланади. Иш режаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг фаолият юритувчи аниқ дастури ҳисобланади.

Иш режасига кўплаб масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ эмас, бу меъёр умумий йиғилиш ва қўмита йиғилишларини заруриятга қараб қўшимча ўтказишни истисно этмайди.

Заруриятга қараб, етарли ва пухта тайёргарлик кўрган ҳолда умумий йиғилиш ёки қўмита йиғилишининг кун тартибини тасдиқлаш чоғида қўшимча масалаларни киритиб, кўриб чиқилиши мумкин.

Иш режаси аниқ, белгиланган масалаларни амалга ошириш муддати унинг ижросини таъминлайдиган шахснинг исми ва фамилияси, лавозими кўрсатилган ҳолда тузилади. Касаба уюшмаси ташкилоти иш режасининг бажарилиши ва назорати учун касаба уюшмаси раиси шахсан жавобгар ҳисобланади. Касаба уюшма ишида касаба уюшманинг юқори органлари, ўзлари қабул қилган қарорлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиб бориш алоҳида ўринни эгаллайди. Шунинг учун бу масалага ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида тақвим йил учун тузиладиган иш режалари намуналари

Аксарият касаба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолиятини йиллик, ярим йиллик, чораклик ва ойлик иш режаси асосида ташкил этадилар.

Йиллик иш режаси одатда тақвим йил учун тузилади. Ушбу режага асосан касаба уюшмаси ташкилотининг амалга оширадиган ишлари, асосий йўналишлари, дастурий ҳаракатлари киритилади, уларнинг ечими узок муддатга мўлжалланган бўлиб мунтазам равишда ҳал этишни тақозо этади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида касаба уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши (конференция) ва қўмита йиғилишлари ўтказилади. Касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилиши керак, лекин заруратга қараб 2-3 марта ўтказилиши ҳам мумкин.

Қуйида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг иш режаси бўйича умумий ва кўмита йиғилишларида кўриладиган масалаларнинг намунаси тавсия этилади.

НАМУНА

касаба уюшмаси кўмитасининг
202_ йил декабрдаги ____-сонли
қарори билан тасдиқланган

_____касаба уюшмаси
кўмитасининг
202____ йилга иш режаси

I. Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилишида (конференциясида) кўриладиган масалалар:

1.1. Касаба уюшмаси кўмитасининг йиллик ҳисоботи.

Масъул: касаба уюшмаси кўмитаси

Муддати: 202__ йил _____

1.2. Касаба уюшмаси кўмитасининг 202__ йил учун иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.

Масъул: касаба уюшмаси кўмитаси

Муддати: 202__ йил _____

1.3. Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, уларга яратилган иш шароитларининг аҳволи.

Масъул: меҳнат муҳофазаси мутахассиси ва касаба уюшмаси кўмитаси

Муддати: 202__ йил _____

1.4. Ташкилот, муассаса ва хўжалик маъмурияти билан ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларининг бажарилиши ҳақида.

Масъул: ташкилот кадрлар бўлими ва касаба уюшмаси кўмитаси

Муддати: 202__ йил _____

1.5. Ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш режалари ва тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида

Масъул: ташкилотнинг ижтимоий масалалар бўйича ходими, касаба уюшмаси қўмитаси

Муддати: 202__ йил _____

II. Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишларида кўриладиган масалалар

III. Тадбирлар:

Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишларида кўриладиган масалалар

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолияти йўналишларини ва тузилишини Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Устави асосида белгилайдилар.

Қўмита йиғилишларини ўтказиш муддатларини ўзлари режалаштирадилар, лекин чоракда камида бир марта қўмита йиғилиши ўтказилиши шарт.

Режа тузиш мобайнида асосий эътиборни меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши, бола тарбияси билан боғлиқ, таътилда бўлган аёлларга нафақа тўлаш, ходимларга маъқул иш шароитини яратиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, маиший хизмат ва овқатланишни ташкил этиш, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳал этилмаган муаммоларини ҳал этиш, маданий, маърифий ва маънавиятга алоқадор масалаларга қаратиш лозим.

Бундан ташқари ташкилотда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларга ҳуқуқий билимлар бериш, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш масалалари ҳам четда қолмаслиги зарур.

Қуйида бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши кун тартибига қўйиладиган масалаларнинг тахминий намунаси

НАМУНА

Касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишларида кўриладиган масалалар:

1. 202__ йилда касаба уюшмаси маблағининг даромади ва харажатининг бажарилиши ҳамда 202__ йилнинг бюджетини тасдиқлаш тўғрисида;

2. Ходимлар меҳнатини муҳофаза этиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хавфсиз иш шароити яратиш, маданий-маиший хизматни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъмурият раҳбарининг ҳисоботи;

3. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ички меҳнат тартибига риоя қилишни ташкил этишда касаба уюшмаси қўмитасининг роли;

4. Касаба уюшмаси қўмитаси ҳузуридаги доимий комиссиянинг ҳисоботи;

5. Меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг ташкилот, муассасаларда бажарилиши;

6. Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича тадбирларнинг бажарилиши;

7. Ташкилотда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тугрисида;

8. Маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши, касаба уюшма аъзолари томонидан йиғилишларда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилиши, касаба уюшмаларининг юқори органлари ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг бажарилиши;

Бу масалаларга масъул қилиб касаба уюшмаси кўмитасининг тегишли доимий комиссиялари кўрсатилса мақсадга мувофиқ, бўлади. Албатта, тавсия этилган ушбу масалалар қатъий эмас, булардан ташқари қатор муаммолар режада ўз аксини топиши мумкин. Тавсия этилган масалалар касаба уюшмаси ишини йўналтиришдан иборат холос. Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, касаба уюшмаси кўмитаси ва унинг қошида тузилган доимий комиссиялар фаолияти жамоа манфаатларини кўзлашдан иборат бўлмоғи лозим. Ушбу мақсадни амалга оширишда касаба уюшмаси бурчакларидан самарали фойдаланиш ҳам мумкин.

Ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг намунаси

1. “Янги йил”, 8 март - “Халқаро хотин-қизлар куни” ҳамда “Наврўз” умумхалқ байрами, 1 октябрь - “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, 9 май – “Хотира ва кадрлаш куни”, 1 сентябрь - “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни”, “Билимлар куни”, 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни” байрамларига тайёргарлик кўриш ва тантанали равишда ўтказишда иштирок этиш, байрам комиссиясини тузишда, байрамга бағишланган ҳар хил кўрик-танлов, бадий ҳаваскорлик чиқишлари, спорт мусобақаларини уюштиришда маъмуриятга кўмаклашиш, меҳнатда алоҳида ўрнатилган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

2. Жамоада нафақа ёшига етганларни фахрийликка кузатишда маъмуриятга кўмаклашиш;

3. Касаба уюшмаси аъзоларига иқтисодий, ҳуқуқий билимлар бериш бўйича машғулотлар ташкил этиш;

4. “Рўза ҳайити”, “Қурбон ҳайити” байрамлари арафасида ташкилот ва муассасаларда узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан фахрий ходимларни ва ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтда ногирон бўлганларни уйларига бориб хабар олиш, вафот этганларни ҳамда ҳарбий хизмат вақтида фожеали ҳалок бўлганларни хотирлаб, уларнинг ҳаётлигида қилган ижобий фаолияти ҳақида ёзилган “Хотира отқриткаси”ни юбориш ишларини ташкиллаштириш;

5. Ташкилот ва муассасаларда “Мустақиллик-олий бахт”, “Авлодлар учрашуви”, “Терроризм-аср вабоси”, “XXI аср ёшлари”, “Ёшлар ва сиёсат”, “Буюк тарихимизнинг ўлмас сиймолари”, “Миллий қаҳрамонларимиз хотираси” каби мавзуларда йиғилишлар, учрашувлар, давра суҳбатлари тарзидаги анжуманлар ўтказиш;

6. Директор жамғармаси комиссиясида ходимлар манфаатини кўзлаган ҳолда иштирок этиш;

7. Дарслар тарификация қилинишида ходимларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда иштирок этиш.

Эслатма: Ўтказиладиган тадбирларнинг муддати ва унга масъул шахс кўмита томонидан белгиланади.

КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг юқори органи – умумий йиғилиш (конференция) ҳисобланади.

Касаба уюшмаси аъзолари муассаса (ташкилот) ҳаёти ёки касаба уюшмаси ташкилотининг иш фаолиятига таъаллуқли бўлган таклифлари, фикрларини умумий йиғилишда ёрқин равишда гапира олади, ишидаги камчиликларни танқид қилиб, уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этади.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, умумий йиғилиш меҳнаткашларни тарбиялаш, уларни ишлаб-чиқаришни бошқариш ишларига, моддий, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш, меҳнат шароити ва иш ҳақини тартибга солиш вазифаларини ҳал этишга жалб этишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ишчанлик билан ўтиши, унинг қатнашчилари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишлари, йиғилишга қўйилган масалаларнинг муҳокамаси фаоллик билан ўтиши учун барча шароитларни вужудга келтириши керак.

Умумий йиғилишлар мавқеини кўтариш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини ошириш, йиғилишларни ўз вақтида пухта тайёргарлик билан ўтказишни, унинг муҳокамасида ҳаётий ва ҳозирги кундаги муҳим масалаларни қўйишни, унда танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш вазифаси талаб қилинади.

Касаба уюшмаси йиғилишлари унда муассаса (ташкилот)да ишлаётган касаба уюшмаси аъзоларининг ярмидан кўп қисми қатнашса йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

Йиғилиш ўтказишга тайёргарлик кўриш касаба уюшмаси аъзоларига йиғилиш ҳақида хабар бериш билан бошланади.

Йиғилишнинг куни, вақти ва унда муҳокама этиладиган масалаларнинг рўйхати катта қилиб эълон тариқасида йиғилишдан камида 10 кун олдин ёзиб қўйилади. Бу эса касаба уюшма аъзоларининг йиғилишига пухта тайёргарлик кўришларига имкон беради.

Йиғилишга яхши тайёргарлик кўриш, унда ўқиладиган маърузани махсус режа асосида ёзиш, уни мазмунли, таҳлилий, хулосага эга бўлишини таъминлаш, йиғилиш қарор лойиҳасини пухта тайёрлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Ўтказилган йиғилишларда қабул қилинадиган қарор мавжуд бўлган камчиликларнинг чуқур таҳлили ва уларни бартараф қилиш учун қилинадиган ишларни ўз ичига қамраб олиши керак. Қарорнинг ҳар бир моддасини қандай бажарилиши кераклигини, унинг муддати ва бу вазифани ким бажариши кераклиги аниқ кўрсатилиши зарур. Касаба уюшмаси кўмиталари умумий

Йиғилишининг қарорлари касаба уюшмалари Устави ва юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг қарорларига мос келиши лозим.

Агар йиғилишда сўзга чиққанларнинг маърузаларида юқори касаба уюшмаси ташкилотлари ҳал қила оладиган масалалар кўтарилса, у вақтда касаба уюшмаси кўмитаси бу масалаларни юқори касаба уюшмаси ташкилотларига хабар қилиши, унинг жавобини эса мазкур масалани кўтарган кишига ўз вақтида етказиши зарур.

___ – умумтаълим мактаби касаба уюшмаси ташкилотининг умумий
Йиғилишини олиб бориш
ТАХМИНИЙ ТАРТИБИ

202_ йил _____

Йиғилишни мактаб касаба уюшмаси
кўмитаси раиси _____ очади.

*Ассалому алайкум ,
Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!*

Бугунги йиғилишда касаба уюшмаси ташкилотида ҳисобда турган ___ нафар касаба уюшмаси аъзоларидан ___ нафари иштирок этмоқда, ___ нафар ходим узрли сабабларга кўра иштирок этмаяпти.

Шунингдек, йиғилишга таклиф қилинган _____ лар иштирок этмоқдалар.

Касаба уюшмаси уставига асосан касаба уюшмаси ташкилоти умумий йиғилишини ўтказишга ваколатимиз бор. Йиғилишни очиш ҳақида кимда қандай таклифлар бўлади?

Умумий йиғилишни очиш ҳақида таклиф тушди. Бу таклифга қўшилганларнинг овоз беришларини сўрайман. Ким қарши? Бетараф? Бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишни тартибли олиб бориш учун ишчи раёсатини сайлаб олишимиз керак.

Ишчи раёсатининг сон таркиби бўйича қандай таклифлар бўлади?

Ишчи раёсат таркибини ___ кишидан иборат этиб сайлансин деган таклиф тушди.

Бошқа таклифлар бўлмайдими? Бу таклифга қўшилган йиғилиш қатнашчиларини овоз беришларини сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Бир овоздан тасдиқланди.

Ишчи раёсат таркибига қуйидаги номзодлар киритилсин деган таклиф бор:

1. _____ - _____
2. _____ - _____
3. _____ - _____
4. _____ - _____
5. _____ - _____

Ишчи раёсатига таклиф этилган ўртоқлар сайлансин деганларнинг овоз беришларини сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Бир овоздан тасдиқланди.

Сайланган фаолларнинг раёсатдан ўрин олишларини сўрайман.

Энди йиғилиш котибини сайлашимиз керак. Котиб 1 кишидан иборат сайлансин деган таклиф бор. Шу таклифга қўшилганларнинг овоз беришларини сўрайман. Ким қарши? Бетарафлар? Бир овоздан тасдиқланди.

Котиб бўйича кимда қандай таклиф бор?

Сўз _____ га берилади.

Мен котибликка _____ номзодини таклиф қиламан.

Котибликка таклиф этилган ходимнинг исми шарифини эшитдингиз.

Бошқа таклифлар бўлмаса овозга қўяман. Марҳамат.

Ушбу таклифга розилар! Қаршилар борми? Бетарафлар?

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Котиб ўз жойини эгаллашини сўрайман.

(Ишчи раёсат йиғилиш раиси ва котибият масаласини тезлик билан ҳал этади, раис йиғилишни давом эттиради, котибият эса йиғилиш баённомасини олиб боради).

Йиғилишни олиб борувчи раис:

Бугунги йиғилиш муҳокамасига қуйидаги масалалар тақдим этилади:

1. _____
2. _____
3. _____

Кун тартибига яна қандай қўшимча ёки ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар бор?

Мазкур йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш ҳақида таклифлар тушмоқда .

Бошқа таклифлар борми? Ана шу таклифга қўшилганларнинг қўл кўтариб тасдиқлашларини сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Биз иш тартибини ҳам тасдиқлаб олишимиз даркор. Маърузачига ___ дақиқагача, музокараларда сўзга чиқувчиларга ___ дақиқагача, 2 ва 3-масалалар учун ___ дақиқагача, маълумотлар учун ___ дақиқагача вақт берсак деган таклиф тушяпти, бу ҳақда бошқа мулоҳазалар йўқми?

Мазкур иш тартиби тасдиқлансин деганларнинг қўл кўтариб тасдиқлашларини сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Таклиф қабул қилинди.

Энди кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама этишга ўтамиз.

Маъруза учун сўз _____ га берилади. Марҳамат. (маъруза тингланади).

Йиғилишни олиб борувчи раис:

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Маъруза тугади. Маърузачига саволлар бўладими? Саволларингизни истаган шаклда, яъни ёзма ёки оғзаки равишда беришингиз мумкин.

Маърузани муҳокама қилишга ўтамиз. Музокара учун сўз

1. _____
2. _____
3. _____

Яна сўзга чиқувчилар борми?

Маъруза муҳокамасини тўхтатиш ҳақида таклиф тушди. Музокараларни тўхтатиш масаласи овозга қўйилади.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор лойиҳаси тайёрланган. Қарор лойиҳасини ўқиб эшиттириш учун сўз _____ берилади. Марҳамат.

Қарор лойиҳаси бўйича кимда таклиф, мулоҳаза ёки эътирозлар бор?

Қарор лойиҳаси асос учун қабул қилинсин деган таклиф бор. Шу таклифга қўшилганларнинг қўл кўтариб тасдиқлашингизни сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Бир овоздан тасдиқланди.

Сўзга чиққанларнинг таклифлари асосида қарор лойиҳасини қайта кўриб чиқиб, тўлалигича қабул қилинсин деган таклиф бор. Бошқа таклифлар борми? Бўлмаса шу таклифга қўшилган йиғилиш иштирокчиларини қўл кўтариб тасдиқлаб қўйишларингизни сўрайман. Қаршилар? Бетарафлар? Қарор бир овоздан тасдиқланди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Энди кун тартибидаги иккинчи масалани кўришга ўтамиз. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан сўз _____ га берилади. Марҳамат.

(кейинги масалалар ҳам юқоридаги тартибда давом эттирилади)

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Умумий йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар тўлиқ кўриб бўлинди.

Йиғилишни ўтказиш бўйича кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар бор?

Бўлмаса қасаба уюшмаси ташкилоти умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиламан.

МАЖЛИС БАЁНИ

Турли йиғилиш, кенгаш ва бошқа анжуманларнинг ўтказилишини ва уларда қабул қилинган қарорларни аниқ қисқа ҳолда қайд этувчи расмий ҳужжат. У воқеликни ўрни, вақти ва ҳолати ҳақида маълумот бериш билан биргаликда қарорларнинг тўғри қабул қилинганлигини текшириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишга имкон беради. Доимий иш юритувчи органлар (котибият, Раёсат, Кенгаш ва бошқалар), шунингдек вақтинчалик иш кўрувчи органлар (конференциялар, семинарлар ва бошқалар) фаолиятларида албатта мажлис баёни ёзилиши керак.

Мажлис баёнида ўз аксини топган ахборотларнинг аниқлиги учун бутун масъулият ва жавобгарлик мажлис раиси ва котиби зиммасига юклатилади.

Ташкилот ёки сайланма органнинг фаолияти тўғрисида фикр юритишга имкон берувчи, йиғилишда сўзга чиққан барча қатнашчиларнинг баён қилган фикр ва мулоҳазалари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи мажлис баёни юритиш мақсадга мувофиқдир.

Мажлис баёнининг асосий зарур қисмлари:

1. Ташкилот номи.
2. Сарлавҳа (йиғилишнинг номи).
3. Ҳужжатнинг номи (мажлис баёни)
4. Йиғилиш санаси.
5. Шартли рақами.
6. Йиғилиш жойи.
7. Йиғилиш раиси ва котибининг фамилияси.
8. Матн.
 - а) қатнашувчилар рўйхати ёки сони;
 - б) кун тартиби;
 - в) эшитилди;
 - г) сўзга чиқдилар;
 - д) қарор қилинди.
9. Иловалар (агар улар мавжуд бўлса).
10. Имзолар.

Мажлис баёнини тузишда уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини таъминлаш керак. Бунинг учун мажлис баёнида барча асосий зарур қисмлар мавжуд бўлиши улар тўғри расмийлаштирилиши лозим.

МАЖЛИС БАЁНИДАН КЎЧИРМА

Зарурият туфайли мажлис давомида қабул қилинган қарорлардан кўчирмалар расмийлаштирилади.

Мажлис баёнидан кўчирма куйидаги асосий қисмлардан иборат бўлади:

1. Ташкилот номи.
2. Ҳужжатнинг номи (мажлис баёнидан кўчирма)
3. Сана.
4. Шартли рақами.
5. Йиғилиш жойи.
6. Матн.
 - а) кун тартиби;
 - б) эшитилди;
 - в) қарор қилинди.
7. Имзолар.
8. Нусха тасдиқланганлиги ҳақида белги.

Мажлис баёнининг матн қисмидан фақат ташкилот ёки шахсга етказилиши керак бўлган қисми олинади. Агар кун тартибида уч масала муҳокама этилган бўлса, керакли масала бўйича қабул қилинган қарорлар олинади.

_____ шаҳар _____ қасаба уюшмаси
ташкilotининг умумий йиғилиши
БАЁНИ № _____

202__ йил “ _____ ” _____ шаҳри

Жами қасаба уюшма аъзолари: _____ киши
Йиғилишда иштирок этди: _____ киши
Йиғилишда узрли сабаблар билан (қасаллиги,
хизмат сафариди, меҳнат таътилида бўлиш) _____
киши қатнашмади

Йиғилишда _____

иштирок этдилар (таклиф этилганлар ва юқори ташкilotлардан иштирок
этганларнинг фамилияси, исми ва лавозими кўрсатилади).

Йиғилиш ишчи раёсати _____ кишидан қуйидаги таркибда бир овоздан
сайланди:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

(Ишчи раёсатга сайланганларни фамилияси исми ва лавозими кўрсатилади)

Йиғилиш қотиби этиб бир овоздан _____ сайланди.

КУН ТАРТИБИ:

1. _____

2. _____

ЭШИТИЛДИ:

1. _____

масала юзасидан _____ маърузаси тингланди
(маъруза матни илова қилинади).

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

(музокараларда қатнашганларнинг фамилияси исми ва лавозими кўрсатилади).

(Музокараларда қатнашганларни сўзининг қисқача мазмуни ёзилади ёки нутқлар илова қилинади деб кўрсатилади.)

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан _____ касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши қарор қилди: (қарор матни ёзилади).

Ундан сўнг “Қарор бир овоздан қабул қилинди” ёки “Қарор кўпчилик овози билан қабул қилинди, _____ киши қарши” деб ёзилади.

Агар қарор матни баёнига илова қилинадиган бўлса, унда баёнда қарор матни ёзилмасдан, фақатгина “Қарор бир овоздан қабул қилинди (илова қилинади)” деб ёзилади.

Йиғилиш кун тартибидаги ҳар бир масала шундай расмийлаштирилади. Баён сўнгида йиғилиш раиси ва котиби имзо чекадилар.

НАМУНА

_____ шаҳар _____ касаба уюшмаси
қўмитаси йиғилишининг
БАЁНИ № _____

202__ йил “_____” _____ шаҳри

Раислик қилувчи: К.Абдуллаев-касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Қатнашдилар:

Қўмита аъзолари: А.Болтабоев, Н.Долимов, Ж.Мамажонов, А.Халилов

Таклиф этилганлар: А.Долимов-мактаб директори, Қ.Юсупов-хўжалик ишлари бўлими мудир.

КУН ТАРТИБИ:

1. _____

2. _____

3. _____

ЭШИТИЛДИ:

1. _____

(К.Абдуллаев, А.Долимов, Қ.Юсупов, Ж.Мамажонов)

(Яъни кун тартибидаги масаланинг номи қайта ёзилиб, қавс ичида биринчи раислик қилувчини фамилияси, сўнг масалани муҳокамасида қатнашганларни барчасини фамилияси ёзилади.)

Қарор бир овоздан қабул қилинди (илова қилинади).
(Ёки “Қарор кўпчилик овози билан қабул қилинди, А.Халилов қарши” деб ёзилади.)

(Қолган масалалар ҳам шу тартибда расмийлаштирилади ва баён охирига касаба уюшмаси кўмитаси раиси имзо чекади.)

ЭСЛАТМА: Бошланғич касаба уюшмасининг умумий йиғилиши баённомаси юқорида эслатиб ўтилганидек, қуйидаги тартибда рақамланади: агар умумий йиғилиш ҳисобот-сайловдан кейин нечанчи марта ўтказилаётган бўлса, йиғилиш баённомаси ҳам ўшандай сон билан рақамланади. Қабул қилинган қарорлар ҳам рақамланиши лозим. Рақамлашда даставвал баённома рақами қўйилиб чизикча қўйилади, чизикчадан кейин масала кун тартибида нечанчи ўринда бўлса, ўша сон билан рақамланади.

Кўмита йиғилишлари баённомаси ҳам ҳисобот-сайловгача бўлган давр учун тартиб билан узлуксиз рақамланади, яъни кўмита йиғилиши ҳисобот-сайловдан кейин нечанчи марта ўтаётган бўлса, йиғилиш баённомаси ҳам ўша сон билан рақамланади.

Кўмита йиғилишида қабул қилинган қарорлар қуйидагича рақамланади: даставвал баённома рақами қўйилиб чизикча қўйилади. Чизикчадан кейин эса масала кун тартиби нечанчи ўринга қўйилган бўлса, ўша рақам қўйилади. Масалан, кўмита йиғилиши ҳисобот-сайловдан кейин 2-марта ўтказиляпти, йиғилишга 3 та масала қўйилган, 3-масала бўйича қабул қилинган қарор 2-3 деб рақамланади.

ҚАРОР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Тартибга кўра асосий масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси назоратга олинади. Қарорда ижро муддати ва масъулияти кимга юкланганлиги кўрсатилиши лозим. Қарорни ижро назоратини олиб бориш мақсадида назоратга олинган қарорлар жилди юритилади.

Ҳар бир қарорни назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор лойиҳаларида мазкур масала бўйича амалга оширилган ишлар қисқача акс эттирилади.

Қарор лойиҳаси муҳокамасига ижрочилар таклиф этилади, улар ушбу қарор бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги қарор лойиҳаларида мазкур масала бўйича бажарилган ишлар қисқача акс эттирилади.

Қарор лойиҳаси муҳокамасида ижрочилар ахборот (ҳисобот) берадилар.

Ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти ҳар ойда ижро муддати тугаётган қарорлар тўғрисида таҳлилий-ахборот тайёрлаб боради.

КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИГА КЕЛГАН ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Касаба уюшмаси қўмитаси номига юборилган ва бажариладиган қарорлар, алоқа хатлари, фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар, қўмита томонидан жўнатиладиган барча ҳужжатлар рўйхатга олинади. Қўмитада ҳужжатлар бир марта рўйхатга олинади: келаётган ҳужжатлар келган куни, жўнатиладиган ҳужжатлар эса имзо қўйилган ёки тасдиқланган куни. Бунинг учун олинган, жўнатиладиган ҳужжатлар ва ариза - шикоятлар бўйича алоҳида – алоҳида дафтарлар юритилиши лозим.

Касаба уюшмаси қўмитасига келган ҳужжатларга қайд этиш рақами, санаси қўйилади.

Келадиган, жўнатиладиган ҳужжатларни ва ариза-шикоятларни қай тарзда расмийлаштириш шакли илова қилинади:

Касаба уюшмаси ташкилотига келган ҳужжатларни қайд этиш ДАФТАРИ

№	Ҳужжат келган сана	Қисқача мазмуни	Кимга топширилди ва имзо	Бажариш муддати	Назоратга олингани тўғрисида белги	Натижаси
1	2	3	4	5	6	7

Касаба уюшмаси ташкилотидан жўнатиладиган ҳужжатларни қайд этиш ДАФТАРИ

№	Ҳужжат жўнатиш сана	Ҳужжат юборилган ташкилотнинг номи	Қисқача мазмуни	Жўнатиш услуби	Маълумот бериш муддати
---	---------------------	------------------------------------	-----------------	----------------	------------------------

1	2	3	4	5	6

**Касаба уюшмаси ташкилотига фуқаролардан тушган ариза ва шикоят хатларни қайд этиш
ДАФТАРИ**

№	Ариза ва шикоят хати келган сана	Фуқаронинг Ф.И.О., иш жойининг манзили	Қисқача мазмуни	Қайси ташкилотдан келган	Бажариш учун кимга берилди	Олган-лиги бўйича имзо	Бажа-риш муддати	Бажарил-ганлиги ҳақида маълумот

Юқорида намунаси келтирилган барча қайд этиш дафтарлари юқори ташкилот томонидан тасдиқланган, тикилган ва рақамланган бўлиши керак.

АРИЗА, МУРОЖААТ ВА ШИКОЯТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Меҳнаткашлар аризалари, таклифлари ва шикоятлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни (2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ-445-сон) ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 мартдаги 2-37 “с” сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом” асосида ташкил этилади.

Меҳнаткашларнинг ҳар бир хати, шикоят ва аризаси атрофлича текширилиши ва текшириш натижалари бўйича ўрганув гуруҳи томонидан хулосавий маълумотнома ёзилиши ва имзоланиши лозим. Хат ва аризалар бир ой муддат ичида, маъмурий органлар томонидан хулосавий фикрлар сўралган хатлар тезкорлик билан кўриб чиқилади. Аризаларни кўриб чиқиш муддати уни рўйхатга олган кундан аризачига жавоб қайтарилгунга қадар ҳисобланади.

Шикоят ва аризани қабул қилган ходим уни махсус картотекада ҳисобга олади, аризани кўриб чиқади, чора-тадбирлар белгилайди, бу ҳақда муаллифга хабар беради ва шу тўғрисида варақага белги кўяди.

Касаба уюшма ташкилотларида ходимлардан тушган хат, ариза, шикоятлар билан ишлашда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

1. Фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар уларни рўйхатга олиш дафтарига қайд этилади;
2. Ариза устидаги махсус варақага ёзма равишда кимга берилганлиги, муддати аниқ ёзилиб, раҳбар томонидан имзоланиб, ижро муддати ёзиб қўйилади;
3. Ариза ва шикоят бўйича тегишли чора кўриш учун бирорта бошқа ташкилотга юборилса, мазкур ташкилот ариза билан биргаликда кўрилган чора

- тўғрисида ёзма хабар бериши шарт;
4. Ариза ва шикоятнинг кўриб чиқилганлиги ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммонинг бажарилганлиги ёки бажариш имконияти йўқлиги тўғрисида муаллифга ёзма жавоб берилади;
 5. Агар аризадаги муаммо чуқур ўрганишни тақозо этса, у ҳолда керакли мутахассислардан иборат комиссия тузилади;
 6. Ҳар бир ариза ва шикоятга махсус жилд (папка) тутилиб, ҳамма ҳужжатлар (ариза, ариза бўйича жавоб хати, аризага тегишли маълумотномалар) шу жилдда сақланади;
 7. Фуқаролар маъмурият раҳбари ва мутахассислар томонидан оғзаки тарзда мурожаат билан қабул қилинса, бундай мурожаатлар ҳам махсус тутилган дафтарда қайд этилиб борилиши шарт;
 8. Айрим ҳужжатларни бажарилишининг намунавий муддатлари қуйидагича:
 - а) фуқароларнинг ариза ва шикоятлари келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида;
 - б) ариза ва шикоятларни қўшимча ўрганиш эҳтиёжи бўлмаса ёки текшириш тез, шошилиш талаб этилса - 15 кундан кечиктирилмаган муддатда;
 - в) юқори ташкилотларнинг топшириқ-хат, сўров хатлари кўрсатилган муддатда ёки 10 кун ичида;
 - г) Касаба уюшмалари кенгашлари, кўмиталари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг хатлари 10 кун муддат ичида, агарда раҳбарнинг кўрсатмасида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса;
 - д) фуқароларнинг, касаба уюшмалари кенгашлари, кўмиталарнинг таклифлари ва мулоҳазалари (қўшимча текшириш талаб этиладиган таклифлар бундан мустасно) 10 кундан ошмаган муддатда;
 - е) шошилиш равишида ҳал этилиши лозим бўлган телеграммалар 2 кун ичида, қолган телеграммалар 10 кун муддат ичида бажарилиши лозим.

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАРИ ВА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Меҳнаткашларнинг танқидий фикрлари ва таклифлари касаба уюшма тузилмаларининг муҳим ахборот манбаидир, улар касаба уюшмалари фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Танқидий фикр-мулоҳазалар билан ишлашнинг уйғунлаштириш бўйича тадбирлар кўмита томонидан амалга оширилади.

Ҳисобот-сайлов конференцияларида билдирилган танқидий фикрлар бўйича бир ой ичида уларни амалга ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Кўмита йиғилишида тасдиқланади. Уларнинг ижроси юзасидан тегишли ишчи гуруҳлар ишларни олиб борадилар.

Муаммоли масалалар юзасидан давлат, хўжалик ва касаба уюшмаси юқори тузилмаларига хатлар юборилади.

Фикр ва таклиф муаллифлари амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилинади.

КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ҲУЗУРИДА ТУЗИЛГАН ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР

Ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти ва улар ҳузурида тузилган доимий комиссиялар иш режасига эга бўлишлари керак. Касаба уюшмаси ташкилоти ҳузурида тузилган доимий комиссиялар асосан уч гуруҳдан иборат бўлади. Ҳар бир комиссия учун алоҳида жилд тутилади, унда касаба уюшмаси кўмитасининг доимий комиссиялари тўғрисида Низом, доимий комиссияларнинг таркиби, йиллик иш режа, режага асосан кўрилган масалаларнинг баённомалари, тавсиялари ва маълумотлари тикиб борилади.

1. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари бўйича;

Бу гуруҳлар қуйидаги мавзуларни ўз йиллик режасига киритиши мумкин:

а) Ташкилотда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар билан таъминлаш;

б) Умумхалқ байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ёлғиз нафақахўрларга, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш;

в) Меҳнат жамоасида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича;

а) Ташкилотда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи меҳнат шароитларини яратиш, стенд ва бурчаклар ташкил этишга эришиш;

б) Меҳнат муҳофазаси бўйича Битимнинг бажарилиши назорати, Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

в) Ходимларнинг меҳнати нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ягона тариф сеткасига мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш;

г) Иш вақти ва дам олиш вақти хотин-қизлар меҳнатини муҳофазалаш бўйича қонунларга риоя этилишини назорат қилиб бориш.

3. Ташкилий ишлар бўйича;

а) Касаба уюшмаси ташкилоти томонидан ташкилий Устав фаолияти бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

б) Вилоят ва туман конференциялари қарорларининг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

в) Юқори ташкилотлардан юборилган ҳужжатлар ва ўзлари қабул қилган қарорлар ижросининг бажарилиши борасида олиб борилаётган ишларни назорат қилиш.

**КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИГА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙИ ВА
 ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА ФАОЛЛАР ЎҚУВИ ЙИЛЛИК
 РЕЖАСИНИНГ ТАХМИНИЙ НАМУНАСИ**

№	Мавзуларнинг номи	Соати	Ўтиш вақти	Масъул	Тинлов-чилар тоифаси	Сони
1.	Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерацияси IX ва тармоқ касаба уюшмаси — Курултойлари қарорлари асосида касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш борасидаги вазифалар.	2 соат	202_йил март	Касаба уюшмаси қўмитаси раиси		
2.	Ташкилий устав фаолияти доирасида иш олиб бориш, касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини асослаш омиллари тўғрисида.	2 соат	202_йил июнь			
3.	Ташкилот ва муассасада жамоа шартномаларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ишлари ҳақида.	2 соат	202_йил сентябрь			
4.	Жойларда меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши тўғрисида.	2 соат	202_йил декабрь	Касаба уюшмаси қўмитаси раиси		

Юқоридаги мавзуларга қўшимча жамоада маданият ва маърифат ишларининг олиб борилиши, спорт-соғломлаштириш ҳамда молиявий ишлар тўғрисида ҳам масалалар киритилиши мумкин. Ҳар чоракда камида 1 та ўқув-семинар ўтилиши керак. Ўқув-семинарда барча касаба уюшмаси аъзолари қатнашиши шарт.

**БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАЛАРИ ХОНАСИНИ
 ЖИҲОЗЛАШГА ОИД ТАВСИЯЛАР**

Бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси хонасида қуйидагилар бўлиши керак:

1. Хона эшигида: “Касаба уюшмаси қўмитаси” ёзуви.
2. Хонада стол, стуллар, китоб жавони.

Бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси хонасини жиҳозлашда учта асосий бўлимларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- I. Касаба уюшмаси – Ўзбекистон Республикаси ҳаётида.
- II. Касаба уюшмаси қўмитаси ҳаётидан.
- III. Маънавият, маърифат ва маданият бурчаги.

I. Касаба уюшмаси – Ўзбекистон Республикаси ҳаётида

1. Президент портрети.
2. Давлат рамзлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонун.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ соҳасини ривожлантиришга, ходимларни ижтимоий–иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иш ҳақини ошириш, рағбатлантиришга оид Фармон ва қарорлари рўйхати.
9. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави.
10. Тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Устави.
11. Республикада фаолият кўрсатаётган сихатгоҳлар тўғрисида маълумотнома.

II. Касаба уюшмаси қўмитаси ҳаётидан

Бу бўлим ҳам кўрғазмали бурчак тарзида бўлиб, бунда:

1. Тармоқ вилоят, шаҳар, туман касаба уюшмасининг ташкилий тузилмаси.
2. Касаба уюшмаси қўмитасининг таркиби.
3. Қўмитанинг маъмурият билан ҳамкорликда қабул қилинган амалдаги жамоа шартномаси ва унинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар.
4. Касаба уюшмаси қўмитасининг йиллик иш режаси.
5. Қўмита таркибидаги доимий комиссиялар.
6. Касаба уюшмаси аъзоларининг ўсиши ва камайиши диаграммавий кўрсаткичи.
7. Касаба уюшмаси фаолиятини акс эттирувчи стендлар:
 - тематик йиллар бўйича давлат дастури тадбирларини акс эттирувчи лавҳалар;
 - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ва тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг охирги Қурултойлари ҳужжатлари.

III. Маънавият, маърифат ва маданият бурчаги

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари.

2. Тармоқ касаба уюшмаси фаолиятига тегишли адабиётлар, услубий қўлланмалар ва буклетлар. Маънавий – ахлоқий мавзудаги бадиий адабиётлар.
3. “Ишонч” газетаси тўплами.
4. Касаба уюшмаси фаолиятини акс эттирувчи стендлар ва буклетлар:
 - уюштирилган маданий-оммавий, спорт тадбирлари, кўрик-танловлар, учрашувлар, соғломлаштириш ишлари ҳақида ёзувлар, фотосуратлар.

